*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1988 йил 7 июль
ПАЙШАНБА
№ 154 (4.350).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

# ИНҚИЛОБИЙ ЯНГИЛАНИШНИНГ ЛЕНИНЧА ЙЎЛИДАН

## БУТУНИТТИФОҚ XIX ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

**Москва Кремлининг Съездлар саройида тўрт кун давом этган қизғин баҳс-мунозараларга якун ясалди. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси ишини тамомлади. Делегатлар, жумладан Ўзбекистондан борган 178 вакил ўз иш жойларига қайтиб келди. Анжуман ҳар бир иштирокчисининг, коммунистлар, ҳамма совет кишиларининг фикру хаёли, орзу интилишлари М. С. Горбачевнинг докладига, нотиқларнинг нутқларида кўтарилган муаммоларга, якдилона қабул қилинган якуний ҳужжатларга қаратилган. Шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, ленинча донишмандлик, партиявий омилкорлик, большевикча ошкоралик, дўстона танқид ва ўз-ўзини танқид, социалистик демократия, масалалар ечимидан бевосита манфаатдорлик руҳияти жиҳатидан мазкур йиғин бундан илгари мисли кўрилмаган, бундай бўлиши ҳатто унчалик кутилмаган эди. Партиямиз, жамиятимиз ҳозирги куни, яқин ва олис келажагимиз муаммолари хусусида шу қадар жонкуярлик билан сўз юритилдики, шунинг ўзиёқ мамлакатда қайта қуришнинг маънавий муҳити қизғинлашиб, ўткирлашиб, соғломлашиб, дадиллашиб бораётганидан далолат берди.**

**М. С. Горбачевнинг «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида»ги доклади, конференциянинг бошқа ҳужжатлари марксча-ленинча назарнёт ҳамда амалиёт хазинасига қўшилган бебаҳо ҳисса бўлди. Чунки тараққиётимизнинг ҳозирги ҳолати, турғунлик йиллари асоратларидан қутилиш йўлларини қидириш, экономикани, турмушни, маданиятни, ижтимоий жабҳаларни тубдан янгилаш, одамлар ҳаётини фаровон, кайфиятини аъло даражага кўтариш, уларнинг истиқболга комил ишончларини алангалантириш йўллари Ленин ғоялари, унинг кўрсатмалари, доҳиёна таълимоти мезонига мувофиқ белгилаб берилди.**

**Умумпартия конференцияси роса қирқ етти йиллик танаффусдан сўнг чақирилишининг ўзиёқ КПСС, унинг ленинчи Марказий Комитети улуғ Ильичимиз боқий анъаналарини тиклаётганлигидан, партия XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётганлигини қаттиқ назорат остига олганлигидан дарак беради. Анжуманда 1985 йил апрелидан бошланган қайта қуриш, янгиланиш, демократия, ошкоралик жараёни дастлабки якунлари, қилинган ишларни ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш, туб иқтисодийислоҳотни изчил амалга ошириш, жамиятнинг интеллектуал, маънавий имкониятларини фаоллаштириш, халқаро муносабатларни демократиялаштириш, сиёсий системани ислоҳ этиш, КПСС раҳбарлик фаолиятини, унинг ички турмушини такомиллаштириш ва ҳоказо масалаларга доир саволларга жавоб қидирилди ҳамда топилди.**

**КПСС Бутуниттифоқ XIX конференцияси қабул қилган резолюциялар ўз моҳияти жиҳатидан шу куннинг талабларига шу қадар моски, улар билан танишганингизда партиямизнинг ақл-заковатига, донолигига, етилиб турган муаммоларни кўра ва еча билишига тан берасиз. «Мамлакат сиёсий системаси ислоҳотини амалга оширишга оид кечиктириб бўлмайдиган баъзи тадбирлар тўғрисида»ги резолюция айниқса долзарбдир.**

**Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг бошқа резолюциялари ҳам жамиятимиз ҳаётининг ўткирлашиб турган қирраларига дахлдор бўлиб, уларнинг иқтисодий, сиёсий, идеологик, ижтимоий моҳияти бекиёсдир. «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида»ги резолюция кундалик ҳаётимизга, беш йиллигимиз тақдирига дахлдорлиги билан ажралиб туради.**

**Совет жамиятини демократиялаш ва сиёсий системани ислоҳ қилиш; бюрократизмга қарши кураш; миллатлараро муносабатлар; ошкоралик; ҳуқуқий ислоҳот... Буларнинг ҳар бири бўйича қабул қилинган резолюциялар партиямиз тарихида чин маънодаги янгилик бўлиб, КПСС, унинг Марказий Комитети, Сиёсий бюро олиб бораётган кенг қамровли фаолиятнинг тимсолидир.**

**Конференция тугади. Унинг кўрсатмаларини амалга ошириш бошланди. Ҳамма жойда бўлганидек Совет Ўзбекистони коммунистлари, барча меҳнаткашлари анжуман ҳужжатларини зўр қизиқиш, бевосита манфаатдорлик билан ўқиб-ўрганмоқдалар, уларни амалий ҳаракат учун дастуриламал деб билмоқдалар. Делегатлар билан учрашувлар жонли мулоқотга, баҳс-мунозараларга, тортишувларга айланмоқда. Шу аснода одамлар тараққиётимизга дахлдор масалаларни ўртага қўймоқдалар, ечмоқдалар, янги марраларни белгиламоқдалар.**

**Республикамиз партия ташкилоти олдида конференция якунлари муносабати билан ғоят улкан, беҳад масъулиятли кўпдан-кўп вазифалар турибди. Аввало М. С. Горбачев докладини, матбуотда босилган саккизта резолюциянинг ҳар бирини, делегатларнинг нутқларини омма орасида кенг тарғиб этиш, тушунтириш, партия анжумани ғояларини коммунистлар, ҳар қайси меҳнаткаш онгига, шуурига сингдириш зарур. Бунинг учун тарғибот-ташвиқот муассасаларининг ходимлари партия комитетлари билан биргаликда ана шу ҳужжатларни қўлга қалам олган ҳолда синчиклаб ўқиб чиқишлари, халқ хўжалиги, социал-маданий ҳаётнинг ҳар бир тармоғи олдида турган масалаларни белгилаб чиқишлари керак.**

**Республикамиз экономикаси тараққиётини белгиловчи индустрия тармоқларидаги, капитал қурилиш, транспорт, алоқа, аҳолига хизмат кўрсатиш жабҳаларидаги иш суръати ҳам, сифати ҳам талабга жавоб бермаётганлигини таъкидламоқчимиз. Бинобарин иқтисодий ислоҳот афзалликларидан тўлатўкис фойдаланиш, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, ўзини ўзи бошқариш, ўз харажатларини ўзи қоплаш сиёсатини изчил ўтказиш талаб этилади. Бунда партия ташкилотлари таъсиридан ҳам, коммунистлар авангардлигидан ҳам, инженерлик фикри салмоғидан ҳам унумли фойдаланиш керак.**

**М. С. Горбачев докладида бошқа айрим республикалар қатори Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида турғунлик ҳолатлари сақланиб қолаётганлиги алоҳида таъкидланди. «Демак, — деди Михаил Сергеевич, — кўп нарса ишга ёндашувга, раҳбарликнинг омилкорлигига, хўжаликни янгича юритиш маҳоратига боғлиқ».**

**Бу ҳақиқатни тан олишимиз, хулоса чиқаришимиз, аҳволни тузатишнинг таъсирчан чораларини белгилашимиз зарур. Ахир ана шундай фикр биринчи маротаба билдирилаётгани йўқ. Михаил Сергеевич Тошкентга қилган ҳар иккала сафари пайтида ҳам партия ташкилоти эътиборини худди шуларга қаратганди. Хўш, қандай ўзгариш рўй берди! Холисанилло айтадиган бўлсак бирмунча иш қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети агросаноат комплекси ишлаб чиқаришини ривожлантириш масалаларини кун тартибига қатъий қилиб қўйди. Деҳқончилик, аввало пахтачилик, жамоат чорвачилиги, озиқ-овқат таъминоти билан боғлиқ бошқа қирралар тараққиётига доир мукаммал қарорлар қабул этилди. Дастлабки ижобий силжишлар чорвачиликда, озуқакорликда, пиллачиликда кўзга ташланмоқда. Лекин умуман олсак қарорларнинг ижрочига етиб бориши кўнгилдагидек эмас, етиб боргандан сўнг эса бажарилиши қийин бўлаяпти. Нега! Сабаб шуки, жойлардаги партия, совет, хўжалик органлари, айниқса область агросаноат комитетлари ва РАПОлар, колхоз ҳамда совхозларнинг раҳбарлари ҳамон эскичасига ишламоқдалар, давр руҳини илғаб олиш маҳоратини эгалламаётирлар. Юқоридан буйруқ кутиш, турли ташкилотларга сон-саноқсиз маълумотлар жўнатиш, ўринли-ўринсиз йиғилишлар ўтказиш, деҳқоннинг, чорвадорнинг ички ишларига ҳадеб аралашавериш — буларнинг ҳаммаси жиддий тўсиқлардирки, уларни йўлдан олиб ташламас эканмиз олға томон собит қадам қўйиш амри маҳол.**

**Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги йўлимиз аниқ ва равшан: тўла хўжалик ҳисоби; пудрат, пудрат ва яна пудрат; кооперацияга, ижарага кенг имкон яратиш; иқтисодий ишларни, жумладан чек усулини такомиллаштириш; ҳақ тўлашни, моддий рағбатлантиришни биринчи ўринга қўйиш, бунда хасислик дардидан қутилиш, бошқача айтганда кўп, яхши ишлаган кўпроқ ҳақ олишини таъминлаш устида ўйлаш; тежамкорликка алоҳида эътибор билан қараш ва ҳоказолар.**

**Агросаноат комплексининг қайта ишлаш тармоқлари ҳамон турғунлик ҳолатини бошдан кечирмоқда. Бу тармоқ мутасаддилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси қарорларини қониқарсиз бажаришаяпти. Оқибатда эса деҳқоннинг, чорвадорнинг, соҳибкорнинг, миришкорнинг пешона тери эвазига етиштирилган маҳсулотлар нобуд бўлмоқда. Бундай масъулиятсизлик, бепарволик кайфияти билан келиша олмаймиз. Конференция ҳужжатларини ўқиб-ўрганаётган коммунистлар бу тоифадаги раҳбарларга қарата «ишни эплай олмадингизми, ўринни бўшатиб қўйинг» деб дангал айтмоқдалар. Бизнингча, шундай қилинса адолатли бўлур эди.**

**Республика партия ташкилоти олдида маорифни, таълим-тарбиянинг ҳамма босқичларини ислоҳ қилишдек, соғлиқни сақлаш жабҳасини тубдан қайта қуришдек, қишлоқда турмуш маданиятини алифбесидан бошлаб шакллантиришдек, бошқа социал масалаларни ечишдаги мураккабликларни енгишдек, инсон онгини қайта қуриш талабларига, ошкоралик шароитига мослаб шакллантиришдек, бурчга муносабатни батамом ўзгартиришдек ва яна қанчадан-қанча вазифалар турибди. Уларни Марказий Комитетнинг, республика ҳукуматининг қарорлари билангина бажариш амри маҳол. Ҳамма гап шундаки, қарорларни ижро этувчи коммунистлар, меҳнаткашлар оммаси уюшқоқлик кўрсатишлари, партия ташкилотимиз кўрсатмаларини оғишмай рўёбга чиқариш устида жон куйдиришлари керак.**

**Шу кунларда улкан оқ олтин хирмони учун қизғин кураш бормоқда. Ғалла ўримйиғими ниҳоясига етаяпти. Боғ-роғларда, пайкалларда пишиқчилик. Озуқа тайёрлаш авжида. Хуллас, қишлоқ аҳлининг қўли қўлига тегмайди. Агросаноат комплексидаги жамики ишларни рисоладагидек такомилига етказиш, бунёд этилган ҳамма нарсани йиғиштириб олиш, қайта ишлашга, эл дастурхонига тақдим этиш беш йиллигимиз учинчи йили топшириқларини бажаришнинг мустаҳкам гаровидир. Конференция ғояларини иқтисодий кўрсаткичлар, сиёсий-тарбиявий, идеологик тадбирлар билан мустаҳкамлаш республикамиз коммунистларининг, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, халқ зиёлиларининг, бутун партия ташкилотимизнинг ватанпарварлик бурчидир.**

# Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

ЎЗБЕКИСТОН ҚОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ШУ ЙИЛ 7 ВА 11 ИЮНЬ СОНЛАРИДА БОСИЛГАН «ХАЛҚНИНГ БУЮҚ БОЙЛИГИ», «ИЧАР ОШИНГ ҲАЛОЛ БЎЛСИН» МАҚОЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

**Қарорда таъкидланадики, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ветеранлари — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли ва Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозларининг раҳбарлари М. Рўзматов билан М. Исматовнинг пахтачиликни бутун чоралар билан интенсивлаш, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашни такомиллаштириш ҳисобига пахтачиликда туб бурилиш қилиш ҳақида мазкур мақолаларда баён қилинган таклифлари ва хулосалари тармоқни ривожлантиришдаги қолоқликни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оммалаштиришга арзийди.**

**Область ва район партия комитетларига, Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетига Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли ва Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозларининг тажрибасидан фойдаланиб, пахтакорлар ўртасида олиб бориладиган ташкилотчилик ва сиёсий ишларни суғорила диган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини анча оширишга, эртапишар мўл пахта ҳосили етиштириб, уни ўз кучлари билан сира нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратиш тавсия этилди.**

**Йиғим-теримга тайёргарлик ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари агросаноат комитетлари ва бирлашмалари, колхозлар ва совхозларнинг партия ташкилотлари, раҳбарлари ва мутахассислари ишида алоҳида ўрин тутиши лозим. Пахта териш машиналари ва бошқа техникани дала ишларидан бўшаши биланоқ ремонт қилишни ҳамма жойда амалда жорий этиш лозим. Инженер-техник хизматчилар, барча ремонтчилар ва механизаторлар куч-ғайратини пахта териш машиналарини тахт қилиб қўйишни шу йил 1 августгача тугаллашга, ҳар бир терим агрегати икки сменада ишлатилиши учун уларни механик-ҳайдовчилар билан таъминлашга, шу йилнинг ўзида машиналар билан ҳосилнинг камида 60 процентини териб олиш мақсадида етишмаётган механизаторларни ўқитиш учун қўшимча курслар ташкил этишга сафарбар қилиш зарур.**

**Илғор хўжаликларнинг ғўза баргини заҳри камроқ препаратлар билан тўктириш, пахта теримида қатнашувчи колхозчилар ва совхоз ишчиларини моддий рағбатлантириш чораларини кўриш практикасини кенг оммалаштириш тавсия қилинди.**

**Бошланғич партия ташкилотларига ўз куч-ғайратларини пахтакорларнинг меҳнатдаги активлигини оширишга, улар меҳнатни ташкил этишнинг пудрат формаларини ва ишдаги хўжалик ҳисоби муносабатларини ўзлаштириб олишларига қаратиш топширилди. Бу эса ҳар бир меҳнатчига ўз иш ҳақи шаклланишига, ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот сифатига таъсир ўтказиш имконини беради, шунингдек уларда ернинг ҳақиқий хўжайини туйғусини уйғотади.**



**Жавзода кун санаган ғўза саратонда сония санайди. Шу боисдан Хатирчи районидаги Карл Маркс номли колхоз пахтакорлари ниҳолларни оби-тобида парвариш қилмоқдалар. Беллашувда механизатор Шоди Ҳасанов пешқадам. У ҳар куни 7—8 гектар пайкалга сифатли ишлов бераяпти.**

**СУРАТДА:** мусобақа ғолиби Шоди Ҳасанов.

А. ЭЛМУРОДОВ фотоси.

## ЗЎР ҚИЗИҚИШ

Жалолқудуқ районидаги Ильич номли совхознинг меҳнат коллективларида Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси материаллари тўғрисида суҳбатлар ўтказилмоқда. Ўн йилдан буён ғайрат билан ташвиқотчилик қилаётган 23-ўрта мактаб ўқитувчиси Я. Худойбердиев деҳқонлар билан биргаликда М. С. Горбачевнинг конференциядаги докладини батафсил муҳокама қилди. Деҳқонлар КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг докладига ниҳоятда юксак баҳо бердилар.

— Совхозимиз меҳнаткашлари коммунистларнинг Бутуниттифоқ анжумани ишини катта қизиқиш билан кузатиб бордилар, — дейди партия комитетининг секретари А. Матмуродов. — Конференцияда кўтарилган масалалар бизга ҳам бевосита тааллуқлидир. Ҳар бир кишининг қайта қуришда фаол иштирок этиши лозимлиги, умумий ишга конкрет ҳисса қўшиши зарурлиги батамом равшандир.

«Билим» жамияти бошланғич ташкилотининг аъзолари, пропагандистлар, агитаторлар, мутахассислар меҳнаткашлар ўртасида конференция материалларини ташвиқ қилмоқдалар.

(ЎзТАГ).

# ПИЛЛАЧИЛИК: тарозида тортиб кўрилгач...

**Узбекистон ССР Агросаноат давлат комитети ипакчилик бош бошқармаси МАЪЛУМОТЛАРИ**

| Областлар | 1988 йил пилла тайёрлаш планининг бажарилиши (процент ҳисобида) | Ҳар қути уруғдан олинган ҳосил (килограмм) |
|---|---|---|
| 1. Бухоро | 145,0 | 70,4 |
| 2. Сурхондарё | 135,6 | 58,9 |
| 3. Қашқадарё | 134,3 | 67,4 |
| 4. Навоий | 125,4 | 62,2 |
| 5. Наманган | 124,5 | 66,9 |
| 6. Жиззах | 124,4 | 61,0 |
| 7. Фарғона | 120,5 | 73,8 |
| 8. ҚҚАССР | 119,4 | 60,4 |
| 9. Сирдарё | 117,7 | 54,8 |
| 10. Тошкент | 117,1 | 57,3 |
| 11. Андижон | 116,4 | 72,8 |
| 12. Самарқанд | 116,1 | 59,4 |
| 13. Хоразм | 114,8 | 65,3 |

| Районлар | 1988 йил пилла тайёрлаш планининг бажарилиши (процент ҳисобида) | Ҳар қути уруғдан олинган ҳосил (килограмм) |
|---|---|---|
| 1. Когон | 175,5 | 67,2 |
| 2. Олтинсой | 161,8 | 58,8 |
| 3. Оқолтин | 161,5 | 65,6 |
| 4. Қоракўл | 153,5 | 75,3 |
| 5. Денов | 153,0 | 58,3 |
| 6. Ульянов | 151,4 | 79,3 |
| 7. Ильич | 150,8 | 60,1 |
| 8. Пешку | 149,5 | 63,6 |
| 9. Вобкент | 149,4 | 72,4 |
| 10. Комсомолобод | 147,3 | 63,1 |
| 11. Меҳнатобод | 146,7 | 40,0 |
| 12. Ромитан | 146,5 | 65,3 |
| 13. Свердлов | 146,4 | 72,5 |
| 14. Баҳористон | 145,7 | 53,7 |
| 15. Паркент | 145,0 | 59,6 |
| 16. Ангор | 144,5 | 66,5 |
| 17. Шўрчи | 143,7 | 62,7 |
| 18. Бухоро | 142,7 | 73,1 |
| 19. Нишон | 142,1 | 68,1 |
| 20. Усмон Юсупов | 140,8 | 66,4 |
| 21. Дўстлик | 140,0 | 63,7 |
| 22. Яккабоғ | 139,9 | 71,1 |
| 23. Гагарин | 138,9 | 57,6 |
| 24. Арнасой | 138,6 | 62,3 |
| 25. Сариосиё | 138,6 | 59,9 |
| 26. Шофиркон | 138,4 | 74,4 |
| 27. Зарбдор | 138,0 | 62,7 |
| 28. Учқўрғон | 137,8 | 72,1 |
| 29. Ленин йўли | 137,5 | 64,2 |
| 30. Балиқчи | 137,2 | 83,1 |
| 31. Мирзачўл | 137,1 | 62,1 |
| 32. Советобод | 136,7 | 58,9 |
| 33. Ғиждувон | 136,2 | 67,8 |
| 34. Олот | 135,8 | 70,4 |
| 35. Пахтакор | 135,8 | 61,0 |
| 36. Қамаши | 135,1 | 58,5 |
| 37. Октябрь | 134,7 | 60,2 |
| 38. Қарши | 134,4 | 72,1 |
| 39. Уйчи | 134,0 | 75,8 |
| 40. Ёзёвон | 133,3 | 79,6 |
| 41. Чироқчи | 133,1 | 62,6 |
| 42. Қумқўрғон | 133,0 | 57,6 |
| 43. Ғаллаорол | 131,8 | 59,5 |
| 44. Хўжайли | 131,7 | 64,3 |
| 45. Шаҳрисабз | 131,7 | 67,8 |
| 46. Тўрақўрғон | 131,5 | 69,8 |
| 47. Ғузор | 131,3 | 60,1 |
| 48. Косон | 131,2 | 68,2 |
| 49. Термиз | 131,2 | 57,8 |
| 50. Хатирчи | 131,1 | 60,0 |
| 51. Муборак | 130,0 | 57,2 |
| 52. Китоб | 129,3 | 65,7 |
| 53. Қизилтепа | 128,4 | 65,3 |
| 54. Чортоқ | 127,0 | 64,5 |
| 55. Бувайда | 126,9 | 78,3 |
| 56. Жарқўрғон | 126,9 | 56,6 |
| 57. Задарё | 126,9 | 60,2 |
| 58. Бекобод | 126,8 | 66,8 |
| 59. Ғалаба | 126,7 | 55,1 |
| 60. Киров | 126,1 | 72,1 |
| 61. Норин | 126,0 | 67,7 |
| 62. Наманган | 125,5 | 68,9 |
| 63. Чиноз | 125,5 | 63,9 |
| 64. Боёвут | 125,3 | 59,0 |
| 65. Деҳқонобод | 124,4 | 48,7 |
| 66. Пискент | 124,4 | 61,3 |
| 67. Комсомол | 123,5 | 51,2 |
| 68. Бахмал | 123,0 | 51,6 |
| 69. Иштихон | 123,0 | 64,3 |
| 70. Гулистон шаҳри | 122,5 | 46,2 |
| 71. Тошлоқ | 122,5 | 78,9 |
| 72. Навбаҳор | 122,0 | 58,1 |
| 73. Боғдод | 121,7 | 75,5 |
| 74. Оржоникидзе | 121,6 | 58,3 |
| 75. Каттақўрғон | 121,1 | 61,7 |
| 76. Пахтачи | 121,1 | 68,0 |
| 77. Косонсой | 120,9 | 69,2 |
| 78. Риштон | 120,7 | 73,8 |
| 79. Қувасой шаҳри | 120,2 | 66,6 |
| 80. Тўрткўл | 120,2 | 62,2 |
| 81. Ленинград | 120,0 | 71,1 |
| 82. Бўз | 119,9 | 65,4 |
| 83. Зомин | 119,7 | 55,0 |
| 84. Ленин | 119,6 | 71,3 |
| 85. Ўзбекистон | 119,6 | 70,6 |
| 86. Ворошилов | 119,4 | 57,5 |
| 87. Элликқалъа | 119,4 | 58,5 |
| 88. Оқдарё | 119,2 | 56,6 |
| 89. Беруний | 119,2 | 59,0 |
| 90. Шеробод | 119,2 | 56,4 |
| 91. Гулистон | 119,0 | 60,9 |
| 92. Избоскан | 119,0 | 74,3 |
| 93. Коммунистик | 118,9 | 68,9 |
| 94. Пайариқ | 118,6 | 63,0 |
| 95. Қўрғонтепа | 118,5 | 77,4 |
| 96. Навоий | 118,4 | 73,6 |
| 97. Москва | 118,1 | 81,6 |
| 98. Қува | 118,0 | 76,3 |
| 99. Хонқа | 117,9 | 66,1 |
| 100. Хива | 117,8 | 63,6 |
| 101. Жиззах | 117,7 | 63,0 |
| 102. Олтиариқ | 117,4 | 74,0 |
| 103. Охунбобоев | 117,4 | 74,7 |
| 104. Бўка | 117,2 | 54,4 |
| 105. Хўжаобод | 117,1 | 68,3 |
| 106. Амударё | 116,9 | 60,6 |
| 107. Булунғур | 115,9 | 54,8 |
| 108. Олтинкўл | 115,8 | 73,1 |
| 109. Янгиариқ | 115,2 | 66,7 |
| 110. Оҳангарон | 115,1 | 48,8 |
| 111. Самарқанд | 115,1 | 62,0 |
| 112. Боғот | 115,0 | 65,7 |
| 113. Қўшкўпир | 115,0 | 66,9 |
| 114. Нарпай | 114,9 | 58,7 |
| 115. Нурота | 114,6 | 52,8 |
| 116. Фориш | 114,6 | 61,0 |
| 117. Гурлан | 114,4 | 65,0 |
| 118. Ҳазорасп | 114,2 | 65,3 |
| 119. Янгибозор | 113,6 | 61,2 |
| 120. Фрунзе | 113,1 | 64,4 |
| 121. Шовот | 112,9 | 65,9 |
| 122. Янгийўл | 112,9 | 53,3 |
| 123. Фарғона | 112,8 | 72,5 |
| 124. Поп | 112,7 | 56,2 |
| 125. Янгиқўрғон | 112,3 | 64,3 |
| 126. Ўрта Чирчиқ | 111,6 | 55,0 |
| 127. Қўшработ | 110,9 | 57,6 |
| 128. Оққўрғон | 110,7 | 54,2 |
| 129. Урганч | 110,5 | 67,2 |
| 130. Чуст | 110,4 | 61,2 |
| 131. Андижон | 110,3 | 67,8 |
| 132. Пахтаобод | 109,5 | 68,4 |
| 133. Калинин | 109,4 | 49,7 |
| 134. Большевик | 109,0 | 55,7 |
| 135. Ургут | 108,1 | 58,2 |
| 136. Жомбой | 107,1 | 52,4 |
| 137. Паст Дарғом | 107,0 | 50,0 |
| 138. Ховос | 105,6 | 39,6 |
| 139. Жалолқудуқ | 105,5 | 69,8 |
| 140. Марҳамат | 104,7 | 66,3 |
| 141. Сирдарё | 102,5 | 50,0 |
| 142. Бойсун | 102,1 | 47,3 |
| 143. Бўстонлиқ | 102,0 | 56,7 |
| 144. Тошкент | 101,3 | 52,4 |

## БИЗНИНГ ШАРҲ

Пилла тайёрлаш мавсумининг серташвиш кунлари ортда қолгандан кейин ушбу маълумотларни газетхонлар эътиборига ҳавола этишни маъқул кўрдик. Уларда йиллик планнинг бажарилиши ва ҳар қути қурт уруғи ҳосилдорлиги акс эттирилган. Зотан, кумуш тола етиштиришдаги асосий кўрсаткичлар деярли шулардан иборат. Марҳамат, танишинг: ҳар бир область, район республика миқёсида қандай мавқени эгаллаганини шу маълумотлардан билиб олиш мумкин. Бу рақамлар мулоҳаза юритиш учун ахборотдир.

Ҳар бир нарса қиёслан ганда аниқ баҳосини олади. Масалан, алоҳида ҳолатда олганда Ховос, Бойсун районларида ҳам кўп қатори йиллик план ошириб бажарилган. Лекин хом ашё ҳосилдорлиги мутаносиб равишда 39,6 ва 47,3 килограммни ташкил этиши ҳеч кимни, ҳатто ўша районларнинг раҳбарларини ҳам қониқтирмаса керак. Ваҳоланки, республикамизнинг Бувайда, Тошлоқ, Ёзёвон, Балиқчи каби районларида бунга нисбатан деярли икки баравар юқори ҳосилдорликка эришилганлигини кўриб турибмиз.

Ҳа, бир қарашда ушбу маълумотларда ҳамма нарса акс этгандек. Аслида эса энг муҳим жиҳат — ўша рақамларни яратган кишилар ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Республика кумуш тола хирмонига самарали ҳисса қўшган миришкорлар номини санаб бериш ўта мушкул. Лекин шундай бўлса-да «Қишлоқ ҳақиқати»га оқиб келаётган хат-хабарларга таяниб, уларнинг баъзилари ҳақида икки оғиз илиқ сўз айтгимиз келади. Зеро, бу йилги мавсумда пиллачиларни мадҳ этувчи мактўблар миқдори ҳам етиштирилган ҳосил сингари баракали.

Олтиариқ районида бу йил пилла ҳосилдорлиги 74 килограммни ташкил этди. Бу ютуққа «Комсомол» колхози миришкорлари салмоқли улуш қўшганликларини қишлоқ мухбирлари А. Нурматов ва Н. Ҳошимов хабар қилишган. Бу ерда 120 қути қурт уруғи рисоладагидек парваришланганлиги туфайли юксак хирмон яратилди. Файзихон Мирзакаримова, Сожида Маматова, Турдихон Абдуолимова, Ҳалима Асқарова каби тажрибакор пиллачиларнинг номларини бугун зўр мамнуният билан тилга оламиз. Самарқанд областидаги Пахтачи райони кумуш тола бунёдкорлари пландаги 270 тонна ўрнига 327 тонна ҳосил топширдилар. Тошбуви Қаландарова, Муаззам Эргашева, Муяссар Қодирова, Саида Примова, Сарвар Эргашева сингари асл миршкорлар Охунбобоев номли колхознинг ифтихори эканликларини газетхон Э. Тонготаров хабар қилади.

Пилла мавсумини бошлаб берувчи Сурхон замини азаматлари ҳар йилдагидек бу сафар ҳам курашнинг олдинги сафларида боришди. Термиз районида 130 тонна эмас, 170,4 тонна кумуш тола етиштирилди. Бу муваффақиятда «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Шарофат Эшмуродова, Хосият Ражабова, Жданов номли колхоздан Марзия Қурбонова, «Намуна» колхозидан Ойсоат Эргашева каби олийҳиммат пиллачиларнинг катта хизматлари борлигини редакцияга қишлоқ мухбири А. Усмонов ёзиб юборган. Бу йил Ульянов райони ялпи хирмонда ҳам, ҳосилдорлик борасида ҳам Қашқадарё областида биринчи ўринни эгаллади. Республика районлари орасида эса олтинчи ўринда турибди. Жиддий ўсиш бу. Ана шундай ижобий силжишга «Москва» совхози қандай улуш қўшган бўлса, хўжалик хирмонининг юксалишига йигирма икки йилдан буён қурт боқиб келаётган онахон Ражаб Қурбонованинг шунча ҳиссаси бор — бу ҳақда И. Баҳодиров, О. Мирзаев каби жамоатчи мухбирларимиз ёзиб юборишган.

Ваъдага вафодор бундай пиллачиларнинг муборак номларини ҳар қанча эъзозласак оз. Айни пайтда редакция кумуш тола мавсумида фаоллик кўрсатган муаллифларга ҳам миннатдорчилик билдиради.

Ошкоралик бугунги куннинг энг узвий жиҳатига айланди. Ушбу маълумотларнинг эълон қилиниши ҳам тармоқда ҳақиқий аҳволни рўй-рост ифодалашнинг бир намойиши. Бу рақамларнинг мағзини чақиш, имконият ва ниятни чамалаш, улардан тўғри хулосалар чиқариш билимдон мутахассисларимиз, хўжаликларнинг раҳбарларига ҳавола.

